

Қардон дўст эътирофи

ДЎСТИМ ХАКИМЖОН ЗАЙНИДИНОВ ТЎҒРИСИДА...



Зайнидинов Хакимжон Насриддинович техника фанлари доктори, профессор, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети “Сунъий интеллект” кафедраси мудири У сигналлар ва тасвирларга ракамли ишлов бериш соҳасидаги таниқли олим, кўплаб малакали кадрлар, фан номзодлари ва фан докторларига мураббийлик қилган устоз-олимдир. Мен Х.Н.Зайнидинов 1979 йил сентябрь ойидан Тошкент Политехника институти (хозирги Тошкент Давлат техника университети) автоматлаштирилган бошқариш системалари факультети электрон хисоблаш машиналари мутахассислиги бўйича ўқишига кирган кунидан танийман. Хакимжон биринчи кунларданоқ билимга чанқоқлиги, зукколиги ва рус тилини ҳаммадан яхши гапиришни билан на фақат группадошлар ўртасида, балки курсдошлар ўртасида ҳам тезда танилди ва ўқитувчилар барчага ўрнак қилиб кўрсата бошлади. Мен Хакимжон билан бир группада, бир хонада (аввал квартирада, сўнгра ётоқхонада) бирга ўқидик ва яшадик. Зачёт, курс ишларини ва имтихонларни биринчилар қатори топширади ва фақат аъло баҳоларга ўқирди. Кўплаб курсдошларга қўлидан келганча ёрдам берарди. Биринчи курсни тугатишимииз билан Хакимжонни факультет информацион хисоблаш марказига 0,5 ставка ишга олишди. Хакимжон олийгоҳдан олган назарий билимларини хисоблаш марказида амалий ишлар билан мустахкамлаб борди. Бу эса Хакимжоннинг таниқли олим бўлиб етишишига замин яратди.

1984 йил олийгоҳни тугатгач, барча курсдошлар олийгоҳ йўлланмаси билан турли-туман ташкилот ва корхоналарга ишга жўнаб кетди. Мен Қашқадарё вилоят Муборак газни қайта ишлаш заводи информацион хисоблаш марказига ишга келдим. Хакимжон аъло баҳоларга ўқиганлиги, ундаги билимга чанқоқлиги, илм-фанга қизиқишини хисобга олган олийгоҳ маъмурияти шу олийгоҳнинг “Информатика ва хисоблаш техникиаси” кафедрасига стажёр тадқиқотчи вазифасига ишга олиб қолди. Ёш Хакимжон ўзининг тиришқоқлиги, билимга чанқоқлиги билан мураббийларни лол қолдирди ва унга 1990 йил Санкт-Петербург давлат электротехника университети кундузги бўлим аспирантурасига йўлланма берди. 1993 йил аспирантуруни муваффақиятли тугатиб, номзодлик диссертациясини ёқлади. Кейинчалик ушбу олийгоҳга катта ўқитувчи, доцент вазифаларида меҳнат қилди.

2005 йил Тошкент ахборот технологиялари университетида докторлик диссертациясини химоя қилди. Докторлик диссертациясини химоя қилгач, шу университетда профессор, кафедра мудири вазифаларида ишлади.

Жанубий Корея Республикаси Донгсео университети маъмурияти таклифи билан 2007-2009 йилларда ушбу университет кафедраси профессори лавозимида фаолият олиб борди.

2011-2014-йиллардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқарув академияси “Бошқарувда информацион коммуникацион технологиялар” кафедраси мудири вазифасида ишлади.

Х. Зайниддинов ва унинг шогирдлари томонидан биринчи бўлиб, амалиётда кенг қўлланилаётган аппарат-дастурий мажмуаларни, маълумотларга ишлов беришнинг бўлак-полиномиал усулларига асосланган маҳсус хисоблаш воситалари яратишни назарий муаммолари, уларни лойихалаш ва схемотехникасига доир муаммолари тадқиқ қилинди.

Бугунги кунда ушбу тадқиқотлар натижалари соғликни сақлаш соҳасида-биомедицина сигналларига ишлов бериш ахборот тизимларида, сейсмология-сейсмик сигналларига рақамли ишлов бериш тизимларида, геофизика соҳасида- кўп ўлчовли магнит ва ҳарорат майдонларига рақамли ишлов бериш тизимларида, гидролокация соҳасида радиолакацион сигналларга ишлов бериш натижасида объектларини тутиш, уларнинг турини аниқлаш ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда.

Х.Зайниддинов Санкт-Петербург Электротехника давлат университети, Жанубий Корея, Германия, Белоруссиялик олимлар билан ҳамкорликда тинмай изланишлар ва тадқиқотлар олиб бормоқда, шунингдек Х.Н.Зайниддинов шогирдлари билан Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар Давлат Қўмитаси гидрогеология ва инженерлик геология “Гидроингео” ИТИ, Самарқанд давлат медицина университети ва Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказидаги ўзбекистонлик олимлар билан тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Х.Зайниддиновнинг бевосита раҳбарлигида ва иштирокида 30 дан ортиқ илмий тадқиқот лойихалари, 9 та монография, 40 дан ортиқ ўқув, ўқув-услубий ва 300 ортиқ илмий мақолалар, шу жумладан 50 дан ортиқ гувоҳномалар ва патентлар муаллифидир. Унинг илмий ишлари Англия, Франция, Германия, АҚШ, Словакия, Россия, Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Индонезия ва Хиндистон каби мамлакатларнинг нуфузли журнallарида чоп этилган. Ҳозирги кунгача Х.Н.Зайниддиновнинг бевосита раҳбарлигида 4 та фан доктори ва 12 та фан номзоди диссертацияларини ёқлади.

Х.Н.Зайниддиновнинг университетит фаолиятида, жамоат ишлардаги фаол иштироки, ҳамкасларига ва шогирдларига бўлган хушмуомалалиги, бегараз ёрдами, ёш олимларни қўллаб қувватлаши каби инсоний фазилатлари туфайли кенг жамоатчилик ўртасида юксак хурмат эътиборга эга.

Мен 40 йиллик қадрдан дўстим Ҳакимжон, хаётингиз фақат баҳтли ва қувончли онлардан иборат бўлиши учун Сизга энг яхши тилакларимни билдираман. Ҳар доим ҳозиргидай жасур, мард ва метиндай мустахкам ирова эгаси бўлиб қолишингизни ҳамда яқинларингизни Сиз билан фаҳрланиб юришларини астойдил хоҳлаб қоламан. Ҳаётда учрайдиган ҳар қандай баланд чўққиларни бирин-кетин забт этиб, олдингизга қўйилган барча мақсадларни муваффақият билан адо этишингизга тилакдошман. Албатта, энг асосийси, баҳтли оиласиб хаёт, яқинларингиз меҳр-мухаббати ва умид-ишенчи Сизга хамиша йўлдош бўлсин.

Қадрдан дўстингиз Равшан Болтаев.

29.08.2023 йил